

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 6-avgust, №31 (968)

Бош прокуратурада

Сарҳисоб ва истиқболдаги вазифалар муҳокамаси

Жорий йилнинг 31 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти раҳбарияти, марказий маҳкама ходимлари, шунингдек, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошиқлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2015 йилнинг 1-ярмидаги фаолияти яқунлари ҳақида қилинди.

Йиғилишда бу даврда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ғимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони-дан келиб чиқадиган вазифалар тизимли равишда изчиллик билан амалга оширилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Хусусан, масъул идоралар билан ҳамкорликда 1060 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризация қилиниб, 13 та қонун ҳужжатларига 97 та қўшимча ва ўзгартиришлар

киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Бош прокуратурада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашшга доир муножаатларни телефон орқали туну кун қабул қилиш Маркази ҳамда айбдорларга нисбатан қатъий қонуний чоралар кўришининг аниқ тизими ташкил этилди.

Фармон талабларини бевосита ижрочиларга ва унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тўлиқ етказишга қаратилган кенг кўламли тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Шулар билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг айрим йўналишларида камчиликларга йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олиниб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди.

Прокурорларга қонунбузишларнинг оқибати билан курашишдан аввал, уларнинг олдини олиш, шу жумладан, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни, қарама-қаршиликларни, қонунларни талқин қилишдаги субъектив ёндашувлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф

этиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу асосда 2015 — "Кексаларни эъзозлаш йили" да давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар томонидан бу борада тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, ушбу масалаларга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан янада қатъий назорат олиб борилиши ҳақида аниқ вазифалар юклатилди.

Аҳолини ижтимоий ғимоялаш, соғлигини сақлаш ва бандлигини таъминлаш, шу жумладан, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини кескин ошириш вазифаси топширилди.

Нақд пулнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш ҳақида кўрсатма берилди.

Қишлоқ жойларда уй-жой, муҳандислик, транспорт коммуникациялари тармоқлари ва инфратузилма объектларини қуриш ҳамда бу соҳани ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан

Рустам ГАФУРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

доимий назорат олиб бориш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганларнинг ижтимоий ғимояси, таълим-тарбияси, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу соҳаларда ўрнатилган назорат самарадорлигини янада ошириш зарурлиги қайд этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келиниши билан бирга, республика бўйича баъзи жиноят турларининг ошганлиги таъкидланди ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат мажлисида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижро учун жойларга юборилди.

Ёшлар маънавияти доимий эътиборда

Мамлакатимизда эртанги кунимиз эгаларининг ҳар жиҳатдан соғлом камол топиши, замонавий билимларни эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти, уларга қарши қаратилган ёт ғоя ва маънавий таҳдидлар моҳиятини очиб беришга қаратилган тадбирлар ёшларни ҳушёрликка, ҳаётга теран нигоҳ билан боқишга чорламоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Тошкент ислом университети ҳамкорлигида республикамизнинг барча ҳудудларидаги ўқув муассасаларида "Жаҳолатга қарши маърифат", "Мен диний экстремизм ва терроризмни қандай



тушунаман?" мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилди. Шунингдек, бундай тадбирларда "Миссионерлик нима?", "Ёт ғоя", "Махдудлик" каби мавзуларда ўнлаб роликлар ёшлар эътиборига ҳавола қилиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни юрт равнақи йўлида бирлаштириш, маънан етуқ, мустақил фикрлайдиган, аниқ ҳаётий позицияга эга инсонлар этиб тарбиялаш, уларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ғимоя

қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтказилаётган турли танловлар йиғити-қизларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Сиз қонунни биласизми?" танлови шундай лойиҳалардан биридир. Маскур танловнинг жорий йилги босқичларида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 221 мингга яқин ўқувчиси иштирок этди. Танлов ўғил-қизларнинг Президентимиз асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила, Меҳнат кодексларининг ёшларга оид бандлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ҳа, мамлакатимизда юксак салоҳиятли, чқур билимга эга ёш авлод камолга етмоқда. Улар қалбида она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуси юксалмоқда. Ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, лойиҳалар мустақил фикрли, онгу тафаккури соғлом ғоялар асосида шаклланган баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Ишончли ҳимоя — тинчлигимиз кафолати

Бугун мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш йўналишида кенг кўламли ишлар олиб борилаётган. Қонунчилик тарғиботи тадбирларини ташкил этишда тегишли вазирликлар, давлат идоралари ва кўмиталари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари эса бу борода самара бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан жалб этган ҳолда, чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида "Ватаним тақдирим" — менинг тақдирим", "Халқ ва армия — бир тану бир жон", "Ўз уйингни ўзинг асра" каби долзарб мавзуларда ҳамда янги қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар мазмун-моҳиятини тушунтириб бориш юзасидан учрашувлар ва тарғибот тадбирларини доимий равишда ўтказиб келмоқда.

Шундай тадбирлардан бири 2015 йил 29 июль кунини "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзусида Тошкент вилояти Зангиота тумани "Туркистон" кишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар йиғилиш иштирокчиларига Мустақиллик байрамига тайёргарлик қилиш ишлари, истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган ютуқлар ва забт этилган марралар, янги қабул қилинган қонунлар, қонун ҳуж-

жатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, юртимизга четдан хавф солиб турган таҳдидлар ва ахборот хуружлари, халқаро жиноятларга қарши курашда оғоҳлик ва ҳушёрликни ошириш масалалари, тинчлигимиз ва оёйсизлигимизни асраш борасидаги бурч ва мажбуриятлар ҳусусида атрофлича тушунтиришлар беришди.

Шунингдек, тадбирда ханузгача айрим фуқаролар томонидан Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учраб турганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жумладан, вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиган Мирза Валиев (исм-шарифи ўзгаририлган) муқаддам бир неча бор судланиб, тайинланган жазони ўтаб келаётган бўлишига қарамай аввалги қилмишларидан тўғри хулоса чиқариш ўрнига "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" қабилида иш тугиб, Ўзбекистон Республикаси чегара ҳудудидан бир неча бор ноқонуний йўллар орқали Қозғоғистон Республикаси ҳудудида ўтиб юрган.

Бундан ташқари, у бошқа шахслар билан олдиндан жинорий тил бириктириб, мўмай пул эвазига бошқа фуқаролар-

Ботирбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Харбий прокуратуранинг
матбуот хизмати бўйича
ёрдамчиси

ни ҳам шундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси чегара ҳудудидан Қозғоғистон Республикаси ҳудудига ўтказиб келган. М.Валиев чегарани бузиш билан боғлиқ навбатдаги жинорий фаолиятини амалга ошириш чоғида чегарачилар томонидан қўлга олинди. Ҳуқуқбузарлик учун эса жазо муқаррар. М.Валиевга ҳам қонунда белгиланган тартибда суд томонидан олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, балки соғлом фикрли, ўзини ҳурмат қиладиган, оиласи ва она-Ватанини севадиган ҳар бир инсоннинг вийдоний олдидаги муқаддас бурчидир. Чунки барча жиноятлар ноғўя қилмишлар, майда ҳуқуқбузарликлардан келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир шахсини Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқароларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши талаб қилинади. Бунинг учун албатта ҳар бир инсон содир бўлаётган қонунбузилиш ҳолатларига бефарқ бўлмаслиги, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан ўз ўрнида муносабат билдириши лозим.

Тадбиркорлик ривожини жамият тараққиётининг гаровидир

Президентимизнинг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотга хусусий мулк, жумладан, чет эл капитални иштирокидаги улушнинг изчил оширишга алоҳида тўхталиб ўтилган эди.

Юкоридаги фармон ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва турли хилдаги суиистеъмолчиликларга барҳам беришга қаратилмоқда.

Кенг жамоатчилик, тадбиркорлик субъектлари ва коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг моҳияти, берилаётган имтиёз ва имкониятларни тушунтириш борасида бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Қонунчиликда таққидланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётганларнинг фаолиятига барҳам бериш, уларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, қўшимча иш ўрнларини яратиши учун ло-

Фозилжон ФАЙЗИЕВ,
СВОЖДЛКК департаментининг Самарқанд вилоят
бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи

зим бўлган чоралар қўрилди. Хусусан, муқаддам ноқонуний фаолият юритган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлардан 354 тасига, жумладан, ишлаб чиқариш соҳасида 88 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 154 та, савдо соҳасида 99 та ва бошқа соҳаларда 7 та субъектга амалий ёрдам кўрсатилиб, 467 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди. Шунингдек, 3 та ҳўжалик юритувчи субъектга фаолиятларини ривожлантириш учун банк муассасаларидан 184 млн. сўмлик кредит ажратилишида амалий ёрдам берилди.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашуш каби суиистеъмолчиликларга йўл қўйган маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқарув органлари, банк ва бошқа идоралар мансабдорларини фош этиш бўйича тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиши ташкиллаштирилиб, натижада 8 та жинорий фош этилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида 306 та иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, жинорий ишлари қўзғатилди ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар юритилди.

Яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни аниқлаш, уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш борасида 57 та ҳолат аниқланиб, ноқонуний ишлаб чиқарилган 165,8 млн. сўмлик маҳсулот ва хизматлар олинди. Давлат бюджетига жами 49 млрд. 349,6 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, 6 млрд. 11 млн. 300 минг сўм маблағлар ундирилиши таъминланди.

Ҳар қандай савдо-сотиқ қонун доирасида бўлгани яхши экан. Муҳаммад ва унинг шерикари бугун шундай қарорга келганлар. Бойси...

Чегарани бузганлар жазога тортилди

Муҳаммад 2014 йилнинг охирида танишлари Бахтиёр, Элбек ва Бахтиёр билан ўзаро маслаҳатлашиб, Қирғизистон Республикасидан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиб, Ўзбекистонда сотиш ҳақида келишиб олди.

— Ҳозир чегараларда назорат жуда қаттиқ бўлиб қолган, — дея иккидан Бахтиёрлардан бири. — Ушланиб қолсак нима бўлади?



— Чумчуқдан қўрққан тарик эмас... — унга далда берган бўлди Муҳаммад. — Ҳали ишни бошлаб юборайлик, мазасини татиб кўрганингдан кейин кўрқувларинг ҳам йўқолиб кетади!

Хуллас, улар ўзаро келишган ҳолда ярим тунда чегарачиларга сездирай, яширин йўллар орқали Қирғизистон Республикасига ўтадиган, у ердан озиқ-овқат ва ўкув қуроллари сотиб олиб келаётган бўлишди.

Муҳаммад ва унинг шериклари айланма йўллар орқали 64 млн. 746 минг сўмлик товарларни Ўзбекистон ҳудудида олиб киргач, Бахтиёрлардан бири-

Отабек РУСТАМОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

нинг яшаш хонадонига бир муддат сақлаб туришди. Сўнгра бир қисмини Элбек Жўраев бошқарувидаги "Зил-130 Г" русумли автомашинага юклашди.

Бахтиёр Ҳасанов Элбек билан бирга "юк"ни Наманган шаҳридаги бозорларда қайта сотиш ниятида "Заркент" чегара пости томон ҳаракатланиб кетаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланди.

Бундан саросимага тушган Бахтиёр М.Тўйчибоевга қўнғироқ қилиб, "юк"нинг қолган қисмини яширишни тайинлади. Бироқ у топшириқни бажаришга улгурмади. Товарларни девор оша қўшни ҳовлига ташиётган вақтда чегара аскарлари томонидан қўлга олинди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари текшириб кўрилганда, улар инсон соғлиғи учун хавfli экани маълум бўлди. Бу шовбовлар пул толиш ҳақида ўйлашибди-ю, ҳамюртлари соғлиғини хавфга қўяётганларини ўйлашмабди!

Жинорий ташлар бўйича Косонвой туман суди М.Тўйчибоев, Б.Ҳасанов, Б.Ҳасанбоев ва Э.Жўраевнинг мазкур жинорий иштини қўриб чиқиб, уларга жазо тайинлади. Шунингдек, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли тартибда йўқ қилинадиган, 28 турдаги 54 млн. 391 минг сўмлик товарлар ҳамда жинорий қуроли деб топилган юк автомашинаси давлат эгаллигига мусодара қилинадиган бўлди.

Жиззахлик Улугбек Асатов ёшигидан бирор-бир касбнинг бошини тутмади. Бир жойла муқим ишламади. Оила қурди. Бироқ, оила бошлиғи бўлиб ҳам маъмулиятни ҳис этмаган ота жажжи қўргонини сақлаб қололмади. Икки фарзанди бўла туриб ажрашиб кетишди. Бир неча бор сулланиб ҳам ўзинга тегишли хулоса чиқариб олмаган Улугбек яна жинорийга қўл урди. У бу сафар фарзандининг маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилади.

Виждонсиз ота

Акмак БЕГМАТОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

У ўзининг ўғли ер олмоқчи эканлигини эшитиб қолади. Гўёки, фарзандига бу ишда "ёрдамлашмоқчи" бўлади. Ва ўртада туриб фуқаро Ж.Жумабоевга тегишли 12 сотих ҳовли-жойни савдолашиб, 16 млн. сўмга сотиб олишга келишилади.

Ерни сотиб олгач, қурилиш учун маблағ топишга киришиб кетади ва орадан анча вақт ўтади. Ана шу вазиятдан эса У.Асатов фойдаланиб қолади. Яъни у сотиб олинган жойнинг эгаси Ж.Жумабоевнинг олдида боради ва унга: "Сендан олган ер керак эмас экан, пулни қайтар", дейди. "Нима учун, орадан шунча вақт ўтган бўлса", дея ҳайрон бўлади ер эгаси.

Бунга жавобан фирибгар ота: "Ҳозир отам касал, даволатишга пул керак, иморат қилмаймиз", дейди ёлгонларни қалаштириб. Сотиб олингандан буён қурилиш бошланмаганлигини билган

Ж.Жумабоев унинг гапларига ишонди.


Аслида Ж.Жумабоев У.Асатовни оиласи билан ажрашиб кетганлигини, бу пулларга унинг умуман дахли йўқлигини билмас эди. Шунинг учун ҳам Улугбекка ишониб пулларни бериб юборади. Ёлгонлари иш бериб ўглининг пешона тери билан толган пуллари осонгина қўлга киритари ва ўзининг машаати учун ботмонлаб сарфлаб юборади.

Фарзандлари келажакда йўламагани камдек, ҳаёт йўлларини топаётган болаларига тўғанок бўлган, ўз нафси йўлида қабиҳликдан тап тортмайдиган отанинг қилмишлари фош бўлди.

Суд ҳукми билан Улугбек Асатовга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Қонунбузилишларга йўл қўйилмайди

Бугунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурди. Соҳани қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий базани шакллантириш борасидаги ислохотлар муҳим ўрин тутади.



Бу борада туман прокуратураси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Утган давр мобайнида туман прокуратураси ташаббуси билан қишлоқ жойларида 195 та тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, 8 та савдо дўконлари, 3 та кийим тикиши ва таъмирлаш, 6 та пойфазал тикиши ва таъмирлаш, 5 та суратхона, 2 та автомобиль ва бошқа техникаларни таъмирлаш корхоналари, 1 та сартарошхона, 170 та бошқа турдаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиб, бунинг натижасида 283 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш мақсадида ҳар 15 кунда улар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга мувофиқлиги ўрганиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан қабул қилинган маъмурий ва молиявий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорлар ўрганилганда, уларнинг баъзилари қонунларга зид эканини аниқланди ва

имтиёзларнинг қўлланишига, айниқса, янги ташкил этилган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2013 йил 22 февралда пахта-ғаллачиликка ихтисослашган "Маслаҳат келажаги шодаси" фермер хўжалиги ташкил қилинган. 69 га. ер майдони ажратилган фермер хўжалиги ягона ер солиғи имтиёзига эга бўлса-да, ўрганиш кунига қадар туман ДСИ томонидан фермер хўжалигидан 11 млн. 400 минг сўм солиқ тўловлари қонунга зид равишда ундириб олинган. Текширишлар натижасига кўра, яна шундай ҳолат қайд этилган 10 та фермер хўжаликлари фойдасига солиқ идорасидан 43 млн. 500 минг сўмини ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда солиқ идораларининг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари ҳам аниқланди.

Жумладан, "Universal new valley" МЧЖ раҳбари У.Маҳмудова солиқ ҳисоботларини топширмаганлиги ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тўлаш учун банкка тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлиги учун туман солиқ идорасининг қарорига асосан МЖТКнинг 175-моддаси 1-қисми билан 118 минг 400 сўм ва шу модданинг 6-қисми билан 355 минг 200 сўм жами 473 минг 600 сўм жарима жазоси қўлланилиб, ундирилган. Шу каби тумандаги "Салоҳиддин шифо" ҳамда "Андиқон газ диалогистика" масъулияти чекланган жамият раҳбарлари С.Бувабеков ва Н.Жураевларга маъмурий жарималар қўлланилган. Уларнинг ҳам бузилган

Бахтиёржон ИСМОИЛОВ,
Олтинқул туман прокурори

ҳуқуқлари прокуратура аралашуви билан тикланди.

Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан кўриб чиқилиши бўйича ўтказилган текширишда Олтинқул туман архитектура бўлимида 20 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдириб, савдо-маиший хизмат кўрсатиш дўконлари куриш учун ер майдони ажратилиши сўраб қилган мурожаатларини тўлиқ ўрганилмасдан асоссиз рад этилгани ҳамда муаллифларга жавоб хатлари юборилмаганлиги маълум бўлди.

Қонунбузилишларга йўл қўйган туман архитектура нисбатан ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, коммунал хизмат корхоналарининг мансабдор шахслари томонидан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам назорат тадбирларида аниқланди.

Тадбиркор ва фуқаролар 2015 йил апрель ойида Олтинқул туман электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилиб, собиқ назоратчи-электромонтёр Д.Ҳасанов электр сарфи ҳақи учун жами 11 нафар фуқародан 2 млн. 244 минг сўм пулларни фибрибгарлик йўли билан олганлигини билдиришган бўлса-да, мазкур аризалар тегишли жойга юборилмасдан, муаллифларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишлари тушунтирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан собиқ назоратчи-электромонтёр Д.Ҳасановга нисбатан тегишли жазо қўлланилган ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Мурожаатлар доимий эътиборда

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланиб, фуқароларнинг турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари иқтисодиётда хусусий секторнинг, кичик бизнеснинг салмоғи йил сайин ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Туман прокуратураси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижросини таъминлаш борасида доимий иш олиб борилмоқда. Фаолиятини бошлаётган, кенгайтираётган, шунингдек, маълум сабабларга кўра иши тўхтаб қолган тадбиркорларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг, шу жумладан, хоржий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципларига амал қилиниб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартаараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига ҳал этилмоқда. Хусусан, туман прокуратураси томонидан "Navoi golden sokol" шўба корхонаси директори И.Худойбердиевнинг Навоий педагогика касб-хўнара коллежи томонидан шартнома шартлари бажарилмаётганлиги хусусидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

Аризада келтирилган вазирларни ўрганиш жараёнида касб-хўнара коллежи томонидан шартномага амал қилинмай 2 млн. 500 минг сўм хизмат ҳақи тўланмаганлиги аниқланди ва туман прокуратурасининг аралашуви билан ушбу маблағ тўлаб берилишига эришилди.

Фуқаро Н.Олимова эса вилоят прокуратурасининг ишонч телефонида кўнгирак қилиб, ўзига тегишли автоматизацияда аҳолига хизмат кўрсатиш учун лицензия олишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраган эди. Туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан Н.Олимовага аҳолига хизмат кўрсатиш учун "Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги" Навоий филиалидан лицензия олиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, туман прокуратурасининг аралашуви билан "Азиз фикров" хусусий корхонасига АТБ "Микрокредитбанк"нинг Кармана филиалидан насли моллар сотиб олиш учун 20 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Ҳокимлик, давлат бошқаруви ва назорат-тектириву органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига дахлдор қарорлари, фармойишлари ва бошқа ҳужжатларининг қонунийлиги ҳам ўрганилиб, қонунбузилиши ҳолатлари бўйича зудлик билан чоралар кўриляпти.

Хусусан, назорат тадбирлари давомида Кармана туман электр тармоқлари бош муҳандиси Н.Бобомуродов туман архитектура ва қурилиш бўлимининг "Дўрман олти бошок" оилавий корхонасига қарашли "Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи" ҳамда фуқаро Б.Эргашевга тегишли бўлган "Савдо дўкони" қурилишини лойиҳалаштириш учун техник шарт беришни сўраб юборган хатларини кўриб чиқмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги аниқланди ва бош муҳандис интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги Савдо бериш тартиби-таомиллари тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан туман ҳокимлигида амалга оширилган ишлар ўрганилди. Кармана туман ҳокимлиги иқтисод бўлими бошлиғи Ш.Зайниев "Gold Gur Karmana" масъулияти чекланган жамиятининг чакана савдо қилиш учун олинган гувоҳнома мuddатини узайтириш тўғрисидаги аризасини асоссиз равишда 1 ойдан ортиқ мuddат рўйхатга олмасдан ўзида сақлаб, ишчи гуруҳга тақдим этмаганлиги аниқланди. Оқибатда бўлим бошлиғи маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган текширишлар алоҳида назоратга олинди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркибига бир қатор

Келдибай ЖУСИПБЕКОВ,
Кармана туман прокурори

назорат қилувчи идора ходимлари жалб қилинганлиги ва улар томонидан тузилган маълумотномада "Сардоба парранда" акциядорлик жамиятининг ишчи-ходимларидан 111 млн. 882 минг сўмлик, Зарафшон фермер хўжалигидан эса 1 млн. 250 минг сўмлик дебитор қарздорлиги борлиги қайд этилган.

Туман прокуратураси томонидан "Сардоба парранда" АЖда ўтказилган текшириш материаллари кўриб чиқилганда, унинг фаолиятига асоссиз аралашилганлиги аён бўлди. Мазкур текшириш ноконуний деб топилди, Навоий вилоят молия бошқармаси ходими Й.Эргашев ҳамда вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ходими О.Раббимов акциядорлик жамиятининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлиги сабабли маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бевосита мулоқотларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида тўлақонли тушунтиришлар, фаолиятини кенгайтириш учун ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Йил бошидан буён ушбу йўналишда учрашувлар, давра сўбатлари ўтказиш аънаъга айланди. Шу билан бирга, ҳуқуқий-амалий ёрдам тўғрисида айрим иш тўхтаб қолган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қайта тикланмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида фуқаролик ишларини судга кўриш ва ҳал этишнинг процессуал тартибини белгилловчи қонунаришимиз иш юритишни соддалаштириш, ихчамлаштириш, иш кўриш муддатларини қисқартириш ва кам ҳаражатлик йўналиши бўйича ривожланмоқда.

Келишув битими

тарофларни яраштириш ва соддалаштирилган тартибда фуқаролик ишини ҳал қилишга қаратилган процессуал ҳаракат



Моҳира ҚУРБОНОВА,
Бош прокуратура бўлими
бошлиғи ўринбосари

Шундай соддалаштирилган иш юритишдан бири — тарофларга ўз ҳуқуқларини тушунтириш орқали улар ўртасида келишув битими тузишдир. Бу фуқароларнинг турли сарсонгарчиликлари ҳамда суд ҳаражатлари кўпайишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик ишини кўришга тайёрлашда судья тарофлардан келишув битими тузиш эҳтимолини аниқлайди ва келишув битимининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради. Келишув битими тузиш орқали ишни тугатиш иш кўришнинг барча босқичлари учун ҳам ҳосидир.

Айрим мамлакатларнинг суд тажрибасида фуқаролик ишларини келишув битими тузиш йўли билан яқунлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Масалан, Францияда меҳнатга оид ишларни кўрувчи махсус судлар ташкил этилган бўлиб, ушбу судлар икки бўлимдан: келишув ва судлов бўлимидан иборат.

Судга келиб тушган даъво аризалари давтавал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилди ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади.

Шу ўринда ишни судга кўришга тайёрлаш босқичида тарофларни келиштириш ишларини самарали йўлга қўйиш борасида айрим МДХ мамлакатлари фуқаролик процессуал қонунчилигидаги баъзи ижобий жиҳатлар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Россия Федерацияси ФПКнинг "Дастлабки суд мажлиси" деб номланган 152-моддасига кўра, дастлабки суд мажлиси тартиби ишнинг судга кўришга тайёрлаш босқичининг таркибий қисми ҳисобланади, тарофлар томонидан ушбу босқичда амалга оширилмаган хатти-ҳаракатларни процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш каби мақсадларни кўзлайди. Мазкур жараёнда суд фуқаролик ишини мазмуни ҳал этиш учун зарур ҳолатларни ҳамда иш юзасидан далилларнинг етарли эканлигини аниқлайди, судга мурожаат қилиш муддатининг ўтказиб юборилганлиги билан боғлиқ масалаларни текширади.

Амалиётда шундай низоли

масалалар бўладики, уларни суд мажлисининг баённомасида батафсил ёритмаслик юқори судлар томонидан қуйи судларнинг қарорларини бекор қилишга асос бўлиши мумкин.

Тарофлар келишув битими тузишга рози бўлсалар, суд барча ҳолларда битими тузиш сабабларини аниқлаши, текшириши лозим. Бундай битимлар ғайриқонуний, қалбаки бўлмаслиги, тарофлардан бирининг ёнқи учинчи шахсларнинг манфаатларини бузишга қаратилмаслиги керак. Агар битим тузилишида ғайриқонуний ҳаракатлар, мақсадлар мавжудлиги аниқланса, суд битимни тасдиқламайди ва суд ишни юритиши давом эттиради.

Келишув битимининг процессуал оқибатлари тарофларга тушунтирилмаганлиги суд ажримининг бекор бўлишига олиб келади.

Айрим ҳолларда уй-жой учун низолашаётган тароф учинчи тарафнинг манфаати учун келишув битими тузади. Суд тарофларнинг келишув битимини тасдиқлаш ҳақида ажрим чиқариб, иш юритиш тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 180-моддасига мувофиқ, тарофлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва иккала тараф томонидан имзоланади. Агар тарофларнинг келишув битими уларнинг судга юборган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

Бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда давлат бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва айрим фуқаролар ўзаро келишув битимлари туза олмайдилар, уларга нисбатан муқобил қарши даъволар ҳам қилиниши мумкин эмас.

Келишув битими уни тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажримидан кўрсатилган тартибда ва белгиланган муддатларда тарофлар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилади. Белгиланган тартиб ва муддатларда ижро этилмаган суд ажри-

ми келишув битими уни тузган шахснинг илтимосига асосан суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида мажбурий тартибда ижро этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижро иши юритишда келишув битими тузилиши ҳам мумкин. Ушбу босқичда келишув битими фуқаролик суд ишларини юритишда келишув битими тузилиши каби амалга оширилади. Фақат бунда иккита юридик фактга асосланади. Булар қарздор ва ундирувчи ўртасида келишув битимининг тузилиши ва унинг суд томонидан тасдиқланишини ўз ичига олади.

ФПКнинг 371-моддасига асосан суд қарорининг мажбурий ижроси қарорни қабул қилган суд берадиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг суд томонидан ундирувчи берилади, дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустаснодир, бунда ижро варақаси ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин дарҳол берилади.

ФПКнинг 330-моддасига асосан, апелляция шикоятни берилган ёки протести келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъво талабларини тан олиши ва тарофларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда баён этилиб, апелляция инстанцияси судга топширилиши лозим.

Даъвогар даъводан воз кечган ёки апелляция инстанцияси судида тарофлар ўртасида келишув битими тузилган ҳолларда суд ҳаражатлари масаласи ФПКнинг 118-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг даъводан воз кечишини қабул қилишдан ёки тарофлар ўртасидаги келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга (тарофларга) ФПКнинг 102-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларни тушунтириши лозим.

Даъвогар арз қилган талабларидан воз кечганда ёки апелляция инстанцияси суди мажлисида тарофлар ўртаси-

даги келишув битими тасдиқланганда, ҳал қилув қарори бекор қилиниши, иш юритиш эса мазкур асосларга биноан ФПКнинг 330-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда тугатилиши лозим.

Апелляция инстанцияси суди келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажримда унинг шартларини баён этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Фуқаролик ишларини апелляция тартибда кўриш амалиёти ҳақида"ги Қароридан апелляция инстанцияси суди шикоятдан воз кечиши қабул қилганида (протест қайтариб олинганда) ҳам, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ва тарофларнинг келишув битимини тасдиқлаганида ҳам ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ҳамда асослиги масаласини муҳокама қилмаслиги таъкидланган.

Тарофларнинг келишув битими бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланганидан манфаатларини бузса, суд келишув битимини тасдиқламалиги лозим.

Апелляция судида раислик қилувчи апелляция шикоятни (протести)га нисбатан даъвогар ва жавобгардан қандай муносабатда эканликларини аниқлайди. Уларнинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилади. Бу босқичда ҳам тарофлар ишни келишув битими билан яқунлашга ҳақли эканликлари тўғрисида айтиб ўтилади.

Судьянинг тарофларни яраштиришга қаратилган процессуал ҳаракатлари, келишув битимини тузиш ва уни тасдиқлашнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда суд томонидан тасдиқланган келишув битимининг ижросига доир масалалар Ўзбекистон Республикаси ФПҚда келишув битими оид нормаларда умумий мазмундаги қондалар ифода этилганлигини, келишув битимининг тутган ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда келишув битимига оид нормаларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, келишув битими тузилганда суд ҳаражатлари масаласида айрим мулоҳазаларни келтириш мумкин. Бунда, албатта, суд ҳаражатларини тақсимлаш алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, тарофлар келишув битимиде суд ҳаражатлари, вақилларга тўланадиган тўловлар ёки бошқа ҳаражатларни назарда тутиш битими мумкин. Лекин келишув битимиде суд ҳаражатларини тақсимлашни ўрнатилган тартибда кўриб чиқайди.

Даъвонинг баҳоси ўзгартирилганда давлат божини ҳисоблашда даъвогар ўзининг талабларини камайтирган,

арз қилган талабларидан воз кечган, тарофлар ишни келишув битими билан тамомланган ҳолларда тўланган бож қайтарилмайди. Арз қилган талаблар кўпайтирилганда етишмаган сумма даъвонинг кўпайтирилган баҳосига мувофиқ равишда қўшимча тарзда тўланади.

Амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилигида манфаатдор тарофлардан давлат божини ундиришдан мақсад шу шахсларнинг судда иш қўзғатиш масаласига жиддий ёндашишга қаратилган тадбир эканлиги юқорида айтиб ўтилган. Шунинг учун ҳам тарофларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига нисбатан моддий таъсир кўрсатиш мақсадини кўзлаб қонун ушбу ҳуқуқий меъёрга даъвогар арз қилган талабларидан воз кечганда, тарофлар ишни келишув битимини тузиш билан тамомланган ҳолларда тўланган давлат божини манфаатдор шахсларга қайтармаслик қондаси белгиланган.

Даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, унинг ҳаражатларини жавобгар тўламайди. Лекин талаб қўйилгандан сўнг уларни жавобгар ихтиёрий равишда қаноатлантирилганлиги натижасида даъвогар ўз талабларидан воз кечган бўлса, суд даъвогарнинг илтимоси бўйича унинг иш юзасидан қилган барча суд ҳаражатларини жавобгардан ундириб беради.

Агар тарофлар келишув битими тузиш вақтида суд ҳаражатларини тақсимлаш тартибини назарда тутмаган бўлсалар, суд бу масалани ФПКнинг 114, 116 ва 120-моддаларига мувофиқ равишда ҳал қилади.

Суд ишни кўриш жараёнида тарофларга ишда келишув битимини тузиш билан тамом қилиш масаласини тушунтириши туфайли ёки тарофлар ўзларнинг хоҳишлари билан шундай ҳулосага келсалар ва суд бундай келишувни тасдиқлаган тақдирда суд ҳаражатлари масаласини суд қарори билан ҳал этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги Қарорининг 7-бандига кўра,

даъводан воз кечилганлиги тўғрисидаги, даъвонинг тан олинганлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув битимига эришилганлиги тўғрисидаги арзлар суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишсинча, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар бундай арзлар ёзма шаклда тақдим этилган бўлса, мазкур аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. Суд мажлиси баённомасига киритилган тушунтиришлар, кўрсатувлар ва ҳулосалар, агар суд зарур деб топса, суд процесси иштирокчилари (тарофлар, гувоҳлар, экспертлар) томонидан имзоланиши мумкин.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ишнинг келишув битими билан ҳал этилиши иш юритишни соддалаштириш, ихчамлаштириш, иш кўриш муддатларини қисқартириш ва кам ҳаражатлик воситаси бўлиб, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилади.

Абитуриентларнинг ўқишга киришлари учун тест синовлари жорий этилгани барчага маълум. Бу адолат мезони йигит-кизларнинг салоҳиятини аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу синовларда йилдан-йилга рақобат ортиб, олий ўқув юрталари оstonасига қадам қўяётган ёшларимиздан кучли билимга эга бўлган абитуриентлар талабалар сафига қўшилмоқда. Олдида аниқ мақсад қўйган ёшлар академик лицей ва коллежларда таҳсил

«Ҳожатбарор» фарибгар

олиш жараёнида тест имтиҳонларига пухта тайёргарлик кўришади.

Сожида Эрназарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жияни С.Райимовани тест синовларига тайёрлаш учун тажрибали мутахассисларга бириктириш мақсадида пойтахтимиздаги таниқли университетларнинг бирида

ташкил этилган тил ўқитиш марказига олиб боради. Авалига С.Эрназаровани бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар жуда қувонтиради.

Уларга марказ ўқитувчиси Нигина Самедова рўпара келади. Меҳмонларнинг мақсадлари билан қизиқиш, зум-де уларнинг ишончига кира-

Дилшод САТТАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК департаментининг
булим бош инспектори

ди. Ўзининг гараз ниятини амалга ошириш учун уларни алдаб, юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали С.Райимовани ўқишга кириштириб қўйиш мумкинлигига

С.Эрназаровани ишонтиради. 8 минг АҚШ доллари эвазига мазкур университетнинг "Инглиз филологияси" факультетига ўқишга кириштириб қўйиш ҳақида қуюқ ваъдалар беради.

Лекин у мақсадига эриша олмайди. СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан бу фарибгарликка ўз вақтида чек қўйилди.

Суд томонидан Н.Самедовага нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамма ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Хусусан, давлат ва назорат идоралари томонидан корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувни кескин камайитириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Шу билан бирга, бунча даражадаги давлат бошқаруви идоралари билан ўзаро маносабатларда тадбиркорлар ва мулкдорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принциплари жорий қилинди.

Имконият қонунни четлаш дегани эмас...

Жамшид Юлдашев,

СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида тегишли давлат идораларига қонун ҳужжатларининг тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Тадбиркорларга яратилаётган бу каби имтиёزلарни яна қўллаб келтириш мумкин.

Бирок, айрим ишбилармонлар бундай имкониятлардан фойдаланиш баробарида, ўз бурчларини бажаришга келганда қонунларимизни четлаб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, пойтахтимиздаги "Astera mega stroy" ҳамда "Astoria group" МЧЖлари раҳбари Олимжон Хаётов (исм-фамилияси ўзгартирилган) юқорида таъкидлаб ўтилган тадбиркорлардан эканлиги текширишларда маълум бўлди. У ўзи раҳбарлик қилаётган МЧЖларнинг ҳисобда турган ҳужжатларини нобуд қилиш йўли билан ноқонуний фойда олишни мақсад қилиб, ялпи тушумни ва солиқ солинади-дан объектларни яширади.

У жорий йилнинг март ойида жамиятнинг бухгалтерия ҳисобидида турган 54 млн. 822 минг сўмлик товар-моддий бойликларни номаълум шахсларга нақд пулга сотади ва пуллари ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. А.Хаётов бу билан чекланмайди. У савдодан тушган пуллардан солиқ тўламаслик мақсадида МЧЖнинг ҳисобидида турган яна 81 млн. 282 минг сўмлик маҳсулотларни ҳам номаълум шахсларга нақд пулга сотиб, тушган маблағларни ҳеч қаерда акт эфирмай, ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборади.

Ушбу икки МЧЖнинг фаолияти текширилганда А.Хаётов 2014 йил ҳамда 2015 йилнинг 25 мартгача бўлган даврда давлатга тўланиши керак бўлган 99 млн. 615 минг сўмлик турли солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келганлиги ошқор бўлди.

Шунингдек, у жамиятларнинг қатъий ҳисобидида турган бухгалтерия ҳужжатларининг бир қисmini ҳам нобуд қилиб юборганлиги тафтиш пайтида маълум бўлди.

Жиноят жазосиз қолмайди. А.Хаётовнинг қилмишларини атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди унга тегишли жазо тайинлаб ҳукм чиқарди. Хулоса қиладиган бўлсак, қонуний иш юртган тадбиркорга барча эшиklar очик, Бундайларнинг юзи ёруғ бўлиб, эл орасида ҳам обрўси ошиб бораверади. Аксинча, юқоридаги каби қонунларимизни четлаб ўтиб, мўмай фойда қиламан, деганлар янглишади. Қонун устувор юртда жиноят жазосиз қолмайди.

Ҳамқишлоғидан жабр чекканлар

Отабек СОЛИЕВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси булим инспектори

Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёда бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам асло сусайтирилаётгани йўқ. Маълумки, ушбу муҳим савдо оқибатида инсон товарга айланади. Бошқача қилиб айтганда, у жонсиз буюмга тенглаштирилади.

Жабранувчилар асосан ўз юртидан бошқа давлатларга транзит қилиш, чегаралардан ўтказиш орқали сотиб юборилади. Айни вақтда ушбу иллат БМТнинг энг кўп эътибор қаратаётган фаолият йўналишларидан бирига айланди. Ушбу ташкилот одам савдосига қарши курашиш борасида глобал режа қабул қилиб, унда жаҳон ҳамжамиятини одам савдосини амалга ошираётган уюшган жиноий гуруҳларни йўқ қилишда биргаликда курашишга чақиради.

Республикамизда ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ханузгача бу муҳим жиноятнинг тўғригина илинаётганлар учраб турибди.

Бўка туманида турилган Очилбой Шеров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мана шундай жирканч иллат ортидан бойлик орттиришни мақсад қилади. У Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳридаги номаълум шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктиради. О.Шеров республикамиздан одам ёллаб, Екатеринбург шаҳрига олиб бориши керак эди. У шу мақсадда ҳамқишлоқлари Жавдат Уйғунов, Акмал Аллаев, Ботир Турғунов, Жавоҳир Турсунов, Шахзод Қораев ҳамда қўшни Пискент туманидан яна икки фуқарога ойига 500 АҚШ долларидан маош берадиган иш борлигини айтиб, уларнинг ишончига қиради. Эндигина 20-25 ёшни қаршилаган йигитлар ҳамқишлоқларининг гапига ишониб, унинг ортидан Екатеринбург шаҳрига йўл олишади.

Манзилга етиб боргач, Очилбой йигитларнинг фуқаролик паспортларини йиғиб олиб, ўша ердаги "Михаил" исмли кимсага топширади. Икки одамфуруш бир хонага кириб, бир

неча соат гаплашадилар. Сўнгра Очилбой ўзига тегишли "хизмат ҳақи"ни олади ва йигитлар билан хайрлашиб, ортига қайтиб кетади.

Қурилишдаги барча вазифаларни йигитларга тақсимлаб берган Михаил Очилбойга янги ишчиларнинг икки ойлик иш ҳақларини бериб юборган эди.

Орадан икки ой ўтса ҳам иш ҳақидан дарак бўлмайди. Михаил эса йигитларни кечаси ўн иккигача, ҳатто айрим вақтларда туни билан ишлашга мажбур қилади. Оғир шароит, кишининг изғиринида меҳнат қилиш йигитларнинг сабр-қосасини тўлдиради. Айниқса, катта ҳажмда олиб борилаётган қурилишда барча ишлар фақат қўл меҳнати билан амалга оширилиши уларни холдан тойдирди. Қурилиш ашёларини юқори қаватларга техника ёрдамида эмас, йигитлар қўлда олиб чиқарди. Бундай шароит уч ой давом этгач, ишчиларнинг тоқати қолмайди. Улар Михаилдан иш ҳақларини талаб қилишганда, у Очилбой билан ўртадаги келишувни рўқач қилиб, яна бир ой ишлаб беришса, паспортларини беришини айтади. Бу гаплардан сўнг улар алданганликларини, одам савдоси қурбони бўлганликларини тушуниб етишади.

Хуллас, йигитлар у ердан чиқиб кетишининг удрасидан чиқишади. Ўзга юртда саргардон бўлган фуқаролар одамларнинг кундалик ишларини бажариб, йўл харажатларини амал-тақал қилиб йиғишда ва апрель ойида уйларига қайтиб келадилар. О.Шеровнинг қилмишлари ҳақида тегишли жойга хабар беришади.

Одамфурушнинг қилмишларини атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди О.Шеровга беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Йигитларга етказилган моддий ва маънавий зарар ҳам судланувчидан ундирилди.

Меҳнатсиз даромад «шайдо»лари

Фахриддин ОСТАНОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Учтепа туман бўлими катта сурштирувчиси

Мамлакатимизда барча жабҳада бўлгани сингари иқтисодий соҳада ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, ҳозирда хусусий мулкка кенг йўл очилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қулай шароитлар, имтиёزلар яратиб берилмоқда.

Банклар томонидан эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги иқтисодий имтиёзларнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, иқтисодий ислохотларимизни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Минг афсуски, айрим юртдошларимизнинг ҳали-ҳануз жон қойитмай, осон даромад топиш илинжида турли йўл-

ларни излаб, қинғирликлар содир этаётгани ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Бу тоифа кишилар нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, мўмай даромад орттириш мақсадида ноқонуний ишларнинг бошини тутмоқдалар.

Мисол учун, Козим Алибоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Мутал Одилобоев ўзаро тил бириктириб, меҳнатсиз пул топиш мақсадида чет эл валютаси билан олди-сот-

ди қилиш йўлини танладилар. Икковлон пойтахтимиздаги Чилонзор туманидаги Гулистон маҳалласида фуқаролар Я.Имомова ва И.Имомова 16 минг 300 АҚШ доллари ва 58 млн. 517 минг сўмга сотаётган вақтда СВОЖДЛҚК департаментининг Учтепа туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ноқонуний йўллар орқали мўмай даромадни кўзлаган валютафурушларга жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг ҳукмига биноан тегишли жазо тайинланди.

Тинчликнинг қадрига етайлик

Айни пайтда истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллигини катта тантана билан нишонлаш арафасида турибмиз. Бугун қайси соҳага назар ташламайлик, мустақиллик йилларида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз берганига, катта ютуқларга эришилганига гувоҳ бўламиз. Бу, албатта, мустақиллигимиз ва эркинлигимизнинг, юртимизда ҳукм сураётган барқарор тинчлигимизнинг, Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг амалий натижасидир. Шу боис биз шу энг бебаҳо неъмат — тинчликнинг қадрига етишимиз, бугунги оқошга ҳаётимиз учун шукроналар қилишимиз керак.

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек: "Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани, — аввало оғоҳ бўлиш дегани".

Юртбошимизнинг мазкур фикрлари ҳозирги замоннинг энг долзарб қақриғига айланган деса, хато бўлмайдди. Зеро, ер юзидagi барча миллатларни, элатларни бирлаштириб турувчи ягона куч, ҳеч шубҳасиз, тинчликдир. Тинчлик ҳаммамиз учун қадри ва улуғ неъмат ҳисобланади. Чунки одамзод азал-азалдан осуда ва хотиржам ҳаётни таъминлашга интилиб, шу йўлда курашиб яшаб келади.

Бугун терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашиш масалалари жаҳон мамлакатларини бирлаштиришга, тинчлик йўлидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қақирмоқда.

Биз ҳозирги даврда мафкуравий таъшиқларнинг хавфли кўриниш олиб, ҳар қандай

халқ орасида, энг аввало, ўша миллатнинг униб-ўсиб келаётган ёшлари онгини заҳарлаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Сир эмас, бугун Интернет керакли ахборотни излаш, олиш ва маълумот алмашинуви борасида энг қулай, тезкор ва самарали восита ҳисобланади. Лекин ҳамма ҳам бу имкониятдан эзгулик йўлида фойдаланаяпти деб бўлмайди. Бунинг натижасида кўплай ёшлар ана шундай ахборот хуружларининг таъсирига тушиб қолмоқда.

Маълумки, айни вақтда муқаддас Ислам динини ниқоб қилиб олган террористик ташкилотлар бир неча давлатларда "жиход" гоёси остида бузғунчилик ва кўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширмоқдалар. Бундай диний экстремистик гуруҳлар ўзлари ҳукмронликни кўлга киритган ҳудудларда тадбиркорларга катта миқдорда солиқ солиш, босқинчилик, одамларни гаровда ушлаш ва уларни қул сифатида сотиш, гиёҳвандлик олди-сотдисидан иборат

бўлган мудҳиш жиноятларни содир этаётганликларини бутун дунё кўриб-билиб турибди. Бундай экстремистик гуруҳлар бугун жаҳон электрон ахборот тармоғи — Интернет орқали ўзининг бузғунчи гоёларига асосланган ва бир олам ёлгон ваъдаларни бериб, ҳар дақиқада янги ном билан ташкил этилаётган юзлаб веб-сайтлар ёрдамида ёшлар онгини заҳарлаб, уларни ўз домига усталик билан тортмоқда.

Бундай гуруҳларнинг "қармоғи"га илинглар адашганини билгач, ортларига қайтишни истаётган бўлсалар-да, уларнинг бунга асло имконлари йўқ. Чунки бундай ҳаракатлар гоҳида аянчли улим билан якун топмоқда.

Бугун фан, спорт, санъат, ишлаб чиқариш, ижод эркинлиги ва техника ютуқлари ихтиролари билан ўзи тугилб-ўсган кишиларнинг, туман-ша-

ҳар ва вилоятнинг донғини, қолаверса, Ватанимизнинг доврғини бутун дунёга таратаётган йигит-қизларимиз кўпчиликни ташкил қилмоқда. Бошқа ёшлар ҳам мана шундай ўғил-қизларимиздан ибрат олиб, ўз билим ва қобилиятини эзгулик йўлида сарфламоқда. Бироқ жамиятда ўрнини топиб олишда давлатимиз томонидан жуда катта имкониятлар яратилаётган бир пайтда, баъзи йигит ва қизлар гараз мақсадлардаги мафкур кимсаларнинг тузоғига илиниб қолмоқдалар. Бу каби ёшлар экстремистик ташкилотларнинг асл мақсадини билмаслиги мумкинми? Айниқса, ҳозирда бундай ташкилотлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларимизда ёритилаётган турли кўрсатув ва мақолаларда, маҳалла ва ташкилотларда ўтказилаётган учрашувларда унинг оқибатлари ҳақида батафсил тушунтиришлар берилиб, бу йўлнинг охири жарликка олиб бораётгани уқтирилатир. Бироқ айримлар бунга тушунишни истамайдилар ёки тушунишга онгларни заифлик қилади.

Юрда тинчлик, оиласида фаровонлик бўлишини истоган ҳар бир фуқаро доимо эътиборли бўлиши, оғоҳлик ва ҳушёрликни унутмаслиги, қонунбузилишига қарши курашишда эса муросасилик ва жўрватликнинг унинг қундалик одатига айланиши лозим. Ёшларимизни, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек,

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қарбий
прокурорининг ўринбосари

оқни қорадан, яхшини ёмондан фарқлай оладиган қилиб тарбиялашимиз керак. Шунингдек, фарзандларимизда Интернетдан фойдаланишларида ахборотлар орасидан фақат эзгу мақсадларга хизмат қиладиганларини танлаб ола билиш ва қабул қилиш кўнчилик масини ҳосил қилишимиз, ёт ва салбий гоёларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз ва мустаҳкамлашимиз лозим.

Тинчлик учун курашиш, биринчи навбатда, оиламизни, маҳалламизни, Ватанимизни севиш, унинг тараққиёти учун фидойилик кўрсатиб яшаш ва меҳнат қилишда намоён бўлаётган турли кўрсатув ва мақолаларда, маҳалла ва ташкилотларда ўтказилаётган учрашувларда унинг оқибатлари ҳақида батафсил тушунтиришлар берилиб, бу йўлнинг охири жарликка олиб бораётгани уқтирилатир. Бироқ айримлар бунга тушунишни истамайдилар ёки тушунишга онгларни заифлик қилади.

Истиқлолимизнинг ilk кунларида ноқ республикамиз таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилиб, айни вақтда ўзини тўлиқ оқлаган тизим, ўн икки йиллик мажбурий таълим жорий этилиди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга садоқат, миллий истиқлол гоёларига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳаёт, меҳнат ва бошқа соҳаларда қатъий қўллаш ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида муайян таҳлиллар олиб борилиб, тегишли назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ушбу жараёнда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим сифати ва самардорлигини ошириш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълим жараёнининг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, дарсларда иштираётган етиш даволатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2015 йилнинг 18 июнида вилоят прокурори, СВОЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармаси, халқ таълими, ўрта махсус касб-хўнара таълими бошқармалари бошлиқларининг қўшма фармойиши қабул қилинди. Мазкур фармойиш асосида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш ҳамда ўрта махсус касб-хўнара коллежлари битирувчиларини барқарор иш ўринлари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳолини ўрганиш бўйича 13 та ишчи гуруҳи тузилди.

2014-2015 ўқув йилида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини 26759 нафар ўқувчи битирган бўлиб, улар ўзлари истаган касб-хўнара коллежлари ва академик лицейларга ҳужжатларини топши-

Ишончга хиёнат

риб, ўқишни давом эттиришди.


Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг таълим олиши учун яратилаётган имкониятлар, ўқитувчи ва педагог ходимларнинг меҳнатини қадрлаш,

рағбатлантириш замирида авваламбор, юрт келажаги, миллат тақдири тушунчалари мужассамдир. Бинобарин, бугун вояга етайётган фарзандларимизга оила даврасида, боғча, мактаб ва бошқа таълим масканларида ягона мақсадни кўзлаб таълим-тарбия берилсагина, олдимизга қўйилган мақсадларга эриша оламиз. Аммо ана шу оддий, ҳаётий ҳақиқатни ҳамма ҳам чуқур англаб етайпти, деб бўлмайди. Жумладан, Бухоро иқтисодий ва банк касб-хўнара коллежининг маслаҳат маркази раҳбари Х.Жумаева 9-синф битирувчиси Ж.Зариповнинг ҳужжатларини қабул қилиш эвазига Н.Тўхтаев орқали 200 АҚШ долларини олаётган вақтда жиноят устида ушланган. Йигилиш ва мажлисларда қўл остида ишлаётган ходимларга халоллик, тўғрилик ҳақида ваъз ўқиган раҳбарнинг ўзи тамағирлик чоғига қулаб тушиши ачинарли ҳол эмас, деган фикр келади кўнглига.

Х.Жумаевага нисбатан суд ҳукми чиқарилиб, жазо муқаррарлигини таъминланди.

Бир вақтлар ота-боболаримиз орзу қилганидек, дунё ичиде энг буюк иморат ҳисобланган мактаб ва бошқа таълим масканларининг моддий-техник

Собир ҚУРБОНОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



базаси жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган тарзда жиҳозланганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Давлат бюджетидан миллионлаб маблағлар айни таълим тизимига ажратилмоқда.

Афсуски, айрим нопок кимсалар давлатимиз томонидан ёшларимизга берилган таълим олиш ва касб-хўнара эгаллашда яратилган имкониятдан шахсий манфаати йўлида фойдаланишга уринмоқда. Бу каби иллатлар ўз вақтида илдири билан суғуриб ташланмаса, ижтимоий адолат принципларига путур етиши, адолат мезони бузилиши оқибатида ҳақли норозиликларга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас, албатта. Баъзан билими, айни танлаган соҳасига қизиқиши бор бўлган ўқувчилар тамағирлар, "воситачи"лар касрига қолиб, тенг рақобат асосида илм олиш имкониятидан фойдалана

олмай қолишлари мумкин. Кўпнинг хурматида сазовор, юрт келажаги дахлдор киши сифатида ишонч билдирилган педагогларнинг бу каби нохуш ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлишаётгани ўта ачинарлидир.

Бухоро автомобиль ва йўллар касб-хўнара коллежи гуруҳ раҳбари О.Исҳоқов диплом бериш эвазига коллеж битирувчиси С.Жумаевдан 150 минг сўмни пора тарикасида олаётган вақтда ушланган.

Таълим тизимидаги айрим масъул раҳбарлар мансаб курсисига ўтиргач, босар-тусарини билмай қолишлари аччиқ ҳақиқат. Лавозимни эл-юртга хизмат қилиш учун берилган имконият, деб эмас, балки пул ишлаб қолиш, бойлик орттириш "механизм"ига айлантиришга ўч кимсаларнинг "қизиқиш"лари илдирига, таассуфки, гоҳида айрим ота-оналарнинг ўзлари ҳам сув қуймоқда. Шунинг учун ҳам фуқароларимизни ҳушёрликка чорлаб, агар уларга нисбатан товланчилик, пора талаб қилиш каби ҳолатлар учраган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ва фуқаролик бурчларини адо этишга қақирамиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: ота-оналар ўз фарзандларини қобилиятини, қизиқиши, билим ва салоҳиятини инобатга олиб, касбга йўналтирсалар, фойдадан холи бўлмасди. Ота-она ҳоҳиши билан ўзи қизиқмаган йўналишдаги касбни танлаган фарзанд келгусида малакали мутафасси эмас, балки эгаллаган соҳасини мукаммал билмайдиган, нуноқ кадр бўлиб етишади. Бунинг акс таъсири нафақат оиллага, балки жамият ва давлат учун ҳам зарардан бошқа нарса эмас.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир".

Онасининг бағрига сифмаган гўдак

Аёл, она — меҳр-муруват, раҳм-шафқат, олижаноб инсоний фазилатлар тими соли, дунё бешинини тебратувчи улуғ, муҳта-рама зот. Ҳаётини фарзандларига бағишлаган филоий она-хонлар ўғил-қизларининг бахту иқболлини кўришлай эзгу мақ-сад билан яшайдилар. Афсуски, беш бармоқ баробар бўлмаган-лилай, нафсининг қулига айланб, жиноят кўчасига кирган аёллар ҳам учрамоқда. Ақл бовар қилмайдики қилмишга қўл турган икки нафар аёлга нисбатан суд ўз ҳукмини ўқилди.

Ёш боласидан, гўдагидан воз кечиш гуноҳи-азимлар сирасига киради. Гўдагини бозорга солган йигирма бир яшар онани, уни пуллаш ҳақида йўл-йўриқ кўрсатган қирқ ёшга кирган аёлни одам дейишга тил бормайди.

Мавжуда (исм-фамилиялар ўзгартирилди) эрта турмушга чиқди. Иккинчи фарзандига ҳомилдорлик пайтида турмуш ўртоғи билан ажрашди. Кишлоқдаги ота-онанининг уйда бироз туриб, мени сиздиришмапти, деган баҳона билан бош олиб чиқиб кетди. Фаргона, Қўқон шаҳрларида бировларнинг уйда ижарада яшаб юрди. Иккинчи фарзанди дунёга келди.

Енгилтабнат, турмушни вақтотчилик, ўйин-кулгудан иборат, деб фаҳмлаган ёш аёлга чақалоғи оёғини боғлаган кишандай туюла бошлади. Киш кунни, янги йил ара-

фасида Фарғонадан Қўқон шаҳрига қайтди. Кўпқаватли турар жой биноларидан бири-да яшовчи, аввал ҳам бошпа-на берган таниши, қирқ ёшни қоралаган, икки нафар фарзанди бор Хажалхон она-нинг хонадонига кириб борди.

— Телефонда онам билан гаплашдим, қишлоққа қайтай десам, кўнмади, манави бо-шинга битан бало бўлди. Бирон-та болага зор аёл олса, бериб юбораман. Шунча аёл топиб беринг, опа.

— Бўпти, сўраб-суришти-раман, — деди Хажалхон.

Таниши Сожидаҳон теле-фон қилди. Тирноққа зор, ча-қалоқ боқиб оладиган аёл то-пиб беришни сўради. Келаси кунни Мавжудахон билан телефонда боғланди.

— Сожидаҳон болангни ас-раб оладиган аёлни топиб, гаплашибди, — деди.

Мавжуда унинг уйига бо-риди. Гап орасида Хажалхон она

чақалоқни бир минг АҚШ дол-ларига сотишга ундади. Мав-жуда унинг уйда тунаб қолди. Хажалхон опа эрталаб болани асраб оладиган аёл-нинг олдига бошлаб борди.

— Унга болани бир минг долларга бераман, деб айт-сан.

Улар келишилган жойда, Қўқон шаҳридаги ресторан-лардан бирининг ёнида кўри-шишди.

— Бола мана шу қизники, — деб Хажалхон ўз иши би-лан кетди.

— Болани кўрай-чи ...

Мавжуда ўғилчасини кўс-атиб нарҳини айтди. Холисхон бунча пулим йўқ, деб тайсал-лади. Мавжуда Хажалхон она-нинг уйига қайтиб борди.

— Бунча пули йўқ экан, — дедди унга.

Келаси кунни Холисхоннинг ўзи телефон қилди. — Болани оласизми, йўқми, — деб сўради Хажалхон. — Нарҳи қиммат экан, бун-ча пул тополмайман, — деди Холисхон.

— Қиммат бўлсам, болани сотиб олинг, онаси Россияга ишлагани кетиши керак, — Хажалхон чўрт кесди.

Сўнгра Мавжудага боланинг нарҳини 700 долларга кели-шиб олишни ўқтирди. Хона-

донга "даллол" Сожидаҳон кириб келди.

— Нима бўлди, савдо пиш-димми?

— Минг долларга кўнмади, пули оз экан, — деди Хажал-хон.

— У бўлмаса, бошқа хари-дор топамиз, — дея Сожида-хон Холисхоннинг қўл теле-фони рақамини терди.

— Сизга бола ёқдимми? — деб сўради.

— Чақалоқ маъқул, аммо пулим озроқ, етти юз доллар бера оламан, — деди Холис-хон.

— Ўзларинг келишиб олинглар.

Сожидаҳон харидор билан гаплашиб бўлгач, Мавжудага "Етти юз доллар бермоқчи, ўзинг телефони қил ёки уйига боргин", деди. Бироз ўтгач, Холисхоннинг ўзи телефони-га кўнғирок қилди. "Хажалхон, Сожидаҳон билан гаплашдим, болага етти юз доллар бера-ман, ҳозир уйимга келинг". Мавжуда чиқиб кетаётганида Хажалхон гап ўргатди: "Ҳозир ундан 200 доллар олиб тур-гин, қолганини ҳўжжатлари-ни расмийлаштираётми ола-ман, деб айттира".


Шу тариқа беш ойлик ча-қалоқни бир матоҳ каби бо-зорга солиб савдонни пиши-

ришди.

Инсоний қиёфасини йўқот-маган Холисхон Солиеванинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига аризаси асосида тадбир ўтказилди. Қўқон шаҳ-рининг "Деҳқон бозори" ёнида Мавжуда Холисхондан 200 АҚШ долларини олиб ча-қалоқни унга берди. "Тўғил-ганлик гувоҳномасини пул-нинг қолганини олганимдан кейин бераман", деди. Бола-сини пуллаган аёл жиноят ус-тида ушланди.

Суд мажлисида Мавжуда Турдиева қилмишига тўлиқ иқрор бўлди. Иқрор бўлма-ган Хажалхон Жумақўзиева-нинг айби судланувчи М.Турдиева, гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан тасдиқланди. Ташбағир, енгилтабнат М.Турдиевага шартли жазо тайинланди, 3 йил синов муддати белги-ланди. Муқаддам судланган, тақроран одам савдоси жи-ноятига қўл урган Х.Жумақў-зиева 5 йил муқаддат озо-дикдан маҳрум этилди. Чақал-лоқ Қўқон шаҳар гўдаклар уйида қолдирилади.

Шухрат МУСАЕВ,
Қўқон шаҳар прокурорининг
ўринбосари



Сафар ортидаги пушаймонлик

Абдуракул ДАВЛАТОВ,
Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Инсонда ишонч ва нафс дейламиш ҳислар бор. Ишонч, одатда, яхши-лик ва эзгулик учун йўл очади. У назаримизда, ҳурмат ва масъулият дегани. Бироқ бу олий туйғу баъзи-да ёмонларнинг гаразли мақсадал-рига эришиши йўлида хизмат қил-моқда.

Одамфурушлик қилиб, мўмай даромад ортиришни касб қилиб олган Нигорага ҳам одамларнинг ишонувчанлиги қўл келди. Аммо жиноятнинг умри қисқалиги она бир бор ўз исботини топди.

Қишнинг ўрталари, одамларни янги йил байрами кайфияти тарқ этмаган кун-лар эди. Холида (исм-фамилиялар ўзгар-тирилган) рўзгорга ул-бул харид қилиш мақсадида кўчага чиқиб, таниши Нигора-ни учратиб қолди.

— Қандай иш билан шугулланяпсиз, савдогарликми? — деди Холида унинг башанг кийимларига ҳавас билан қарар-кан.

— "Посредний"лик қиляпман. Россия, Қозоғистондаги катта-катта объектлар-нинг эгалари билан бирга ишляпман. Бу ёқдан ишчиларни олиб бораман. Хуллас, "ҳожатбарор" ҳам. Ҳамма хур-санд — ишчилар ҳам, мен ҳам, "хўжайин"лар ҳам, — катта ишбилар-монлардек ғурур билан сўзлади Нигора.

— Шунчами? Шу десангиз, агар яхши-роқ иш бўлса, эрим иккимиз ҳам ўша ёқларга бориб ишлаб келар эдик. Ёрдам берасизми?

— Албатта. Сизларга қурилиш бўлмайди. Ҳа, айтганча, кеча Қозоғис-тондаги бир танишим телефон қилув-ди. Иссиқхонада иш бор эмиш. Иш ҳақи ҳам ёмонмас, ойига бизнинг пулга бир миллион сўм атрофида. Шу иш ёқса, сизларни олиб кетишим мумкин.

— Яхши бўларди. Эрим ҳам иш қиди-риб юрвдилар.

— Мен сизга кечроқ кўнғирок қила-ман, — деди Нигора "ови" юришгани-дан қувониб.

— Майли, кутаман...

Шу тариқа "савдо" пишди. Оқшом чоғи Нигора Холидага кўнғирок қилиб, иш топилаганини, тез кунда, яъни яна бир нечта ишчи топилса, сафарга чиқишлар-ини айтди.

Тез орада Холида каби хорижда иш-лаш истагида бўлганлар топила қолди. Холида, унинг эри Содик, Содикнинг укаси Сардор, Дилдора исми аёл, Мурод ва Латиф — жами олти киши Нигора-нинг бошчилигида Қозоғистонга йўл олишди. У ерга етиб боришгач, Нигора бир қозоқ киши билан гаплашиб, иш-чиларни унга топширди.

— Иссиқхонада ишлайсизлар, ойига 500 доллардан ҳақ оласизлар, — деди Нигора ҳамюртлари билан хайрлашар-кан. — Паспортиларингизни "хўжайин"га бердим, вақтинчалик рўйхатга қўйиш учун. Шундай қилсангизлар муаммо бўлмайди, бемалол ишлайверасизлар...

Бу сўзларни ишонарли тарзда айт-ган Нигора ортига қайтиб кетди. Мусо-фирлар ўзларининг одам савдоси қур-бони бўлганликларини орадан бир ой ўтиб тушуниб етишди. Аёл киши эмас-ми, бир ой давомида иссиқхонадаги оғир меҳнат, яши учун нуқуллай бўлган шарт-шароит, тўйиб оқватланмаслик оқибатида Холиданинг саломатлиги ёмонлашди. Алданганлигини билгани-дан сўнг бир дардига ўн дард қўшилди. Бошқаларнинг ҳам аҳволи бундан яхши эмасди...

Алданганлар бир амаллаб юртга қай-тишди. Одамфуруш Нигоранинг жиноий ҳаракатига чек қўйиш ва ўз ҳақ-ҳуқуқла-ри ҳимоя этилишини сўраб, судга му-рожаат этишди.

Нигора Маматованинг қилмишларини кўриб чиққан суд уни Ўзбекистон Рес-публикаси Жиноят кодексининг тегиш-ли моддалари билан айбдор деб топди ва ҳукм чиқариб, жазо тайинлади.

Қонунчилик ва ҳуқуқий нормалардан хабардор бўлган киши уларга оғиш-май амал қилиб, юклатилган мажбуриятларини вақтида бажариб, ўзини ор-тиқча муаммолардан халос этади. Бироқ айрим мансаб курсисига ўтирган кишилар буни имконият деб билиб, ўз нафсининг йўлидан юрмоқдалар.

Кассага эмас, кассага ўрганлар

Абдурауф ТЕМИРОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Бунга Қарши шаҳридаги "Қарши марказий буюм савдо комплек-си" ОАЖ бошқаруви раиси Нигматулла Салямовни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. У ўз мансабини суистеъмол қилиб, жино-ий гуруҳ тuzгани ҳолда мазкур жамиятда катта миқдорда камомаднинг юзага келишига, шунингдек, давлатга тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланмай қолишига сабабчи бўлди.


Жумладан, жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти тафтиш қилинган-да Н.Салямов жамият бош ҳисобчиси Т.Раҳматов билан жиноий тил бирик-тириб, 2013 йилда жамиятга келиб тушган 91 млн. 373 минг 500 сўмлик тушумни яширганлиги, яъни тушумдан маҳаллий бюджетга 50 фоиз тулов бўйича тўланиши лозим бўлган 36 млн. 325 минг 900 сўм, пенсия жамағ-масига 1 млн. 201 минг 600 сўм, жами 38 млн. 954 минг 400 сўм миқдори-даги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб кел-ганлиги аниқланди.

Шунингдек, жамият раиси ва бош ҳисобчиси фуқаролар томонидан мо-лиявий ёрдам сифатида жамиятга тўлаб берилган пул маблағларини бошқа харажатлар учун сарфлаб, 260 млн. 787 минг 800 сўм пул маблағларининг қайтариб берилишини таъминламай, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказганлиги маълум бўлди.

Ҳамтовоқларга бошчилик қилган Н.Салямов бу ишлар билан чегарала-ниб қолмаган. У бозор ҳудудида амалга оширилган қурилиш ишларида ҳам ўз чўнтагини эсдан чиқармайди. Унга бу борада бош ҳисобчи билан бирга жамиятнинг қурилиш ишлари бўйича мутахассиси А.Жуманов, шаҳрдаги "Алп" МЧЖ раиси А.Шомировлар яқиндан "ёрдам" кўрсатишди.

Судланувчилар тергов жараёнида айбларини бўйнига олмай, турли ба-ҳоналарни рўқач қилишса-да, тўплаган далиллар ва гувоҳларнинг кўрсат-малари асосида уларнинг айби ўз исботини топди.

Ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар ва Муборак туман судлари томонидан Н.Салямов, Т.Раҳматов, А.Жуманов ва "Алп" МЧЖ раи-си А.Шомировларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.



Сийсий партиялар фракцияларининг парламент фаолиятидаги ўрни

Демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўз олимизга олиқ мақсад қилиб олган эканмиз, авваламбор, жамиятга фикрлар хилма-хиллиги, яъни плюрализм ва ушбу фикрлар, гоя ва қарашларни ўз фаолияти учун асос қилиб, тарафдорларининг муштарак мақсад ва манфаатларини илгари сурувчи сийсий партиялар фаолият юритиши табиийдир.



Алишер НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи
илмий ходими

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сийсий партиялар аҳоли у ёки бу қатламнинг манфаатларини ифода этади. Парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайланган ҳар бир депутат ўз сийсий партияси электоратининг манфаатларини кўзлаб ўзи сайланган вакиллик органларида фаолият юритади.

Юртимизда ҳозирги кунда сийсий партия фракциялари фаолиятини тартибга солувчи мустақам норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Сийсий партиялар тўғрисида"ги Қонунининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сийсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини ушшоққили билан ўтказиш учун тузилиши белгиланган. Мазкур норма парламентимизда кечадиган фракциялараро рақобатда ҳар бир сийсий партиянинг вакиллари айдиллик ва ушшоққили билан ўз электорати манфаатлари учун курашишига ҳуқуқий замин яратди.

Ҳаётимиз, шу билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳам жадал ривожланиб, ўсиб бораётганига мос равишда қонунларимиз ҳам замон билан ҳамнафас тадрижий ривожланиб,

янгилиниб бормоқда. Бунга аққол мисол қилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонунини келтириш мумкин.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринини эгаллаган сийсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади. Ўз дастурий мақсадли вазибаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузандиган бир неча сийсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Сийсий партиялар фракцияларининг блока бирлашиши ёки ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши кунда на зарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақилигини ва фракция сифатидаги ҳуқуқ ва ваколатларини чеклаб қўймайди, балки қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар беради.

Эндиликда Парламентдаги кўпчилик мақомини ололмаган

бир неча сийсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар блока бирлашиш орқали ушбу мақомга эришилари ва шу орқали ўзларининг парламентдаги тутган ўринини янада мустақамлаб олишлари мумкин бўлди.

Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сийсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул кўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

2013 йилнинг 18 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни билан Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини қўриб қиқишда сийсий партия фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг ўрни ва роли янада кучайтирилди.

Мазкур Қонун билан Қонунчилик палатасида барча қонун

ҳужжатларини қабул қилишда сийсий партия фракциялари (депутатлик гуруҳлари)нинг фикрлари ва таклифларини эътиборга олиш мажбурий этиб белгиланди. Қолаверса, ушбу Қонунга асосан, келиб тушган қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини рўйхатдан ўтказиши, Қонунчилик палатаси Кенгаши аъзоларини улар ҳақида хабардор қилиш ва ушбу лойиҳаларни бундан кейин кузатиб бориш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузурида Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ҳеч шубҳасиз, Қонун депутатларнинг фаоллигини ҳамда сийсий партия фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва тақомиллаштиришдаги ролини янада оширди. Бу эса ўз навбатида қабул қилинаётган қонунлар сифатига, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнини янада демократлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз аҳолисининг сийсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг

ўсиб бориши, юртимизда кўп-партиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши сийсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини янада кучайтиришига тақозо этади.

2014 йил 20 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунда бунинг ифодасини кўришимиз мумкин.

Ушбу норматив акт асосида Ўзбекистон Республикасининг "Сийсий партиялар тўғрисида"ги Қонунга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, партия гуруҳини ташкил қилиш тартиби ва шартлари жорий этилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашидаги ҳамда шаҳарлардаги (вилоятлар марказларидаги) партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдори беш нафар этиб белгиланди.

Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар билан бир қаторда партия гуруҳларига янги ҳуқуқлар берилди.

Қонунчилик соҳасида олиб борилаётган бу каби демократик ислохотлардан қўзланган олий мақсад сийсий партияларимизнинг ва уларнинг фракцияларининг ҳуқуқ ва имкониятларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш ва уларнинг жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги таъсирини янада кучайтириш ва шу орқали республикаимиз аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини сийсий партиялар дастурлари билан тўлақонли қамраб олиш ва фракциялар томонидан тўлиқ амалга оширишидир.

«FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖ томонидан ташкиллантирилган Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарорига асосан 2015 йил 20 майдан 29 июль кунига қадар ўтказилган очиқ танлов савдолари тўғрисида МАЪЛУМОТ

2015 йил 20 май.

1. Данғара тумани, Данғара ШФЙ, Истиклол мавзёи, 1-зона ҳудудига жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси қуриш учун 40 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 21 996 сўм, сотилиш баҳоси — 220 000 сўм.**

2. Данғара тумани, Чинобод ҚФЙ, Чинобод-2 мавзёи, 2-зона ҳудудига жойлашган тикувчилик шеҳи қуриш учун 200 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 109 978 сўм, сотилиш баҳоси — 400 000 сўм.**

2015 йил 17 июнь.

1. Бешариқ тумани, Қорахилда ҚФЙ, П.Янгиқўрғон қишлоғи, 2-зона ҳудудига жойлашган гўзаллик салоони, сартарошхона ва савдо дўкони қуриш учун 50 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 19 337 сўм, сотилиш баҳоси — 200 000 сўм.**

2. Бешариқ тумани, Қашқар ҚФЙ, Абдувай МФЙ, Янги қишлоғи, 2-зона ҳудудига жойлашган савдо дўконини, сартарошхона ва қасосхона қуриш учун 75 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 29 006 сўм, сотилиш баҳоси — 80 000 сўм.**

3. Бешариқ тумани, Андархон ҚФЙ, Чинобод МФЙ, Андархон қишлоғи, 2-зона ҳудудига жойлашган савдо дўконини, маиший хизмат ҳамда автомобилларга енгил техник

хизмат кўрсатиш шохбачаси қуриш учун 300 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 116 022 сўм, сотилиш баҳоси — 300 000 сўм.**

4. Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳар, Янги Ҳаёт МФЙ, Бешариқ қўчаси, 1-зона ҳудудига жойлашган маиший хизмат ҳамда қуришдиқ молларни дўконий қуриш учун 600 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 379 428 сўм, сотилиш баҳоси — 1 500 000 сўм.**

2015 йил 17 июнь.

1. Бешариқ тумани, Қашқар ҚФЙ, Дашт қишлоғи, 2-зона ҳудудига жойлашган гўзаллик салоони, сартарошхона ва савдо дўконини қуриш учун 216 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 83 536 сўм, сотилиш баҳоси — 200 000 сўм.**

2. Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳар, Янги Ҳаёт МФЙ 2-зона ҳудудига жойлашган маиший хизмат шохбачаси қуриш учун 1 000 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 727 240 сўм, сотилиш баҳоси — 2 000 000 сўм.**

3. Бешариқ тумани, Раққон ҚФЙ, Шайтонқўра қишлоғи 2-зона ҳудудига жойлашган соғломлаштириш спорт мажмуаси қуриш учун 15 000 кв.м. ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси — 8 933 400 сўм, сотилиш баҳоси — 13 800 000 сўм.**

Хизматлар лицензияланган

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Реклама (эълонлар)

Кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича Тошкент вилояти танлов комиссияси юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари тақдим этган таклифлари асосида ўтказилаётган очиқ танловга таклиф этади.

Танловга қўйилган давлат объектларини ҳисобланган "CHIRCHIQ KICHIK SANOAT ZONASINI BOSHQARISH YAGONA DIREKSIYASI" давлат унитар корхонаси бино ва иншоотлари ҳамда ер майдони қўйилади:

1. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли Чирчиқ шаҳри, Тиклианиш қўчаси 1-А уй манзилда жойлашган бино-иншоотлар ва ер майдони.

Танловга қўйилган бино-иншоотлар ва ер майдони таъсифи ҳамда шартлари: умумий ер майдони — 9,8 га.; қурилиш ости майдони — 18,4 минг кв.м.;

Коммуникация: Газ ва электр энергиясига уланиш имконияти мавжуд, ичимлик суви мавжуд. Фаолияти иختисоси: Ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш.

— энг юқори ишчи ўринларини ва инвестиция киритилиши тақлиф этиш;

— инвестицион мажбуриятларни қисқа муддатларда амалга ошириш;

Танловга аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: Танлов тўғрисидаги ҳа-

барномада кўрсатилган санадан ва конвертларни очиш вақтидан икки иш кунини олдин тўхтатилади.

Баландса сакловчи: "CHIRCHIQ KICHIK SANOAT ZONASINI BOSHQARISH YAGONA DIREKSIYASI" давлат унитар корхонаси.

Кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича Тошкент вилояти танлов комиссиясининг танлови 2015 йил 8 сентябрь кунини соат 11:00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги Биносида ўтказилади.

Танлов шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий танлов ҳар ҳафтагини чоршанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Танловга қатнашиш учун "CHIRCHIQ KICHIK SANOAT ZONASINI BOSHQARISH YAGONA DIREKSIYASI" давлат унитар корхонасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарорига белгиланган ҳужжатлар тақдим этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тиклианиш қўчаси 1-А уй.

Маълумотлар учун тел: +99891-7774969, тел/факс: (0-371) 268-23-21.

Интернет почта: Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.toshvil.uz www.gki.uz, www.kbitorg.uz.

Танловга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган

Электрошокер тутган ҳакам



Россия биринчи лигасида "Шелонь" — "Чайка" клублари ўртасидаги учрашув ҳаками футболчилар орасида юзага келган муштлашувда электрошокер қўлашга мажбур бўлди.

Ҳисоб 2:2 бўлиб турган пайтда муштлашув бошланиб кетди ва унга ҳакам ҳам аралашди. У электрошокерни олди ва зарбадан ўз қуролига йиқилиб, ҳушини йўқотди. Шундан сўнг ҳакам шифохонага олиб кетилди.

Псков вилояти футбол федерацияси расмийларининг хабарига кўра, ҳакам жиддий жароҳатланмаган.

Ди Мария «ПСЖ»га ўтмоқда



Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ярим ҳимоячиси Анхель Ди Мария фаолиятини Франциянинг "ПСЖ" клубида лавом эттирди, дея хабар бермоқда L'Equipe.

Яқин вақт ичида мазкур трансфер ҳақида расман эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, аргентиналик футболчи ўтган йили Мадриднинг "Реал" клубидан Англия клуби сафига келиб

қўшилган эди. Бироқ унинг Англия чемпионатидаги фаолияти унчалик муваффақиятли чиқмади. Шунинг учун ҳам Ди Мария жамоадан кетиш ҳаракатига тушиб қолди. Ҳатто клубнинг АҚШдаги йигинига ҳам бормай, бош мураббийнинг қаҳрига учради.

Мадриднинг "Реал" клуби ҳимоячи Пепега янги шартнома таклиф қилмаяпти. Бонси мадридликлар марказий ҳимояла Серхио Рамос ва Рафаэль Варан жупфлангига ишонч билдирмоқчи. Шунинг учун ҳам Пепенинг жамоада қолиш-қолмаслиги сўроқ остида қолмоқда.


Пепе «Реал»дан кетиши мумкин

Эслатиб ўтамиз, Пепенинг шартномаси келаси мавсумда якунига етади. Ҳимоячига бир қатор кучли клублар қизиқиш билдирмоқда. Жумладан, "Манчестер Юнайтед" клуби футболчига даъвогарлик қилмоқда.

Хабар қилинишича, мадридликлар Англия клубига 32 ёшли португалиялик футболчини харид қилишни таклиф қилишган. "МЮ" клуби мутасаддилари "Барселона" жамоаси ярим ҳимоячиси Педронинг трансфери масаласини ҳал қилгач, ҳимоячи бўйича музокараларни бошлаб юбормоқчи.



«Ливерпуль» Черишевга харидор



Англиянинг "Ливерпуль" клуби раҳбарияти Мадриднинг "Реал" жамоаси ярим ҳимоячиси Денис Черишев учун 17 миллион евродан воз кечишга тайёр. Бу ҳақида AS нашри хабар тарқатди.

Маълумотга кўра, россиялик футболчига бир қатор клублар қизиқиш билдирмоқда. Бироқ унга Англия клубининг таклифи ҳар томонлама маъқул, дея баҳоланмоқда.

Ҳозирча мадридликлар устози Рафаэль Бенитес Черишевнинг тақдири бўйича бир қарорга келмаганлиги таъкидланмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



2015 йил 27 июлда

Fitch Ratings

халқаро
рейтинг агентлиги
«Асака» акциядорлик
тижорат банкининг
халқаро кредит рейтинг истиқболини
«**БАРҚАРОР**»
деб тасдиқлади

Эълон

Денгиз туби орқали туннель

Дания Европа Иттифоқидан Германияга сафар вақтини анча камайтиришга имкон берадиган янги автомобил-темир йўл туннелини қуриш учун рухсат олди.

19 км. узунликка эга бўладиган туннель денгиз тубидан ўтказилади ва унинг қурилишига 8,7 млрд. доллар сарфланади.

Туннель Даниянинг Лолланд ороли билан Германиянинг Фемарн оролини бирлаштиради. Қурилиш ишлари 2016 йилнинг январида бошланади. Туннельнинг 2024 йилда очилиши режалаштирилган.

Туннелдан иккита рельсли темир йўл ва тўрт полосали автомагистраль ўтказилади.

Макарондан заҳарланишди

Чехиянинг Пльзень шаҳри ва Германия Чехия ўлкасидаги бошқа шаҳарлар шифохоналарига икки кун мобайнида 60 нафардан ортиқ одам қорин соҳасидаги оғриқлар ва диареядан шикоят қилиб мурожаат қилишди. Аниқланишича, улар зарарланган макаронлар истеъмол қилишган.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ушбу фуқаролар тайёр таомларни етказиб бериш билан шугулланувчи маҳаллий "Zrtas" фабрика-ошхонаси томонидан ишлаб чиқарилган макаронлардан заҳарланишган.

Халқаро ҳаёт
Италияда мушак ишлаб чиқарилувчи фабрикалардан бирида портлаш содир бўлди. Маълумотларга кўра, портлаш туфайли 7 киши ҳалок бўлганлиги айтилмоқда.


Фабрикадаги портлаш

Бу ҳодиса Италиянинг жанубий вилояти Апулия ҳудудида жойлашган Бари шаҳрида рўй берган. Ушбу ҳудудда қутқарувчилар, шифокорлар ҳамда ўт ўчирувчилар иш олиб боришмоқда. Қайд этишларича, қурбонлар сони ортиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълум қилишича, оловни бартараф этиш учун бир кун вақт талаб қилинади. Жараёнга 2 та вертолёт жалб этилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Реклама (эълон)



Жисмоний шахслар учун омонатлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар — бу сизнинг бўш пул маблағингизнинг нафақат кўпайиши, балки унинг хавфсиз сақланишидир.

Сизнинг омонатингиз:

- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади;
- банк сири ҳисобланади.

Омонатларни қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

Ипотека-банкдаги омонатингиз фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.



Юртимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси **Манииа Валентина Ивановна** табаррук 85 ёшни қарши олмоқда.

Табаррук айём



У кўп йиллар прокуратура органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари хурматига сазовор бўлди.

Валентина Ивановна қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамisha шогирдларига меҳрибон устоз бўлиб, уларга доимо ўрнак бўлди.

Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан юқори баҳолашиб, кўп мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Валентина Ивановна, қутлуг айёмингиз муборак бўлсин! Сизга соғлик-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барак тилаймиз!

Ҳамкасблар эъзозиди



Қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъумият билан ёндашган инсон, прокуратура фахрийси **Сойибжон Раҳмонов** қутлуг 70 ёшни қарши олмоқда.

У фаолияти давомида Андижон вилояти прокуратураси тизимида прокурор ёрдамчиси, терговчи, катта терговчи, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, прокурор катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги ва фидойилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Шогирдлари уни тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади. Соибжон Раҳмоновнинг узок йиллик хизмат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Соибжон Раҳмонов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик ҳамда файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Реклама (эълон)



“FitchRatings” халқаро рейтинг агентлиги 2015 йил 27 июлда

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини

“БАРҚАРОР”

дея қайта тасдиқлади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Бир дарахтда қирқ хил мева

Бу қизиқ

АҚШдаги Сиракьюс университети профессори Сэм Ван Акен 40 хил мева тугадиган ажойиб дарахт яратди. С.Акен бир танага турли мевали дарахтларнинг шоҳларини пайванд қилиб, ундан мева етиштиришга муваффақ бўлди.

“Мен, антиқа дарахт яратдим. Энди унда пишиб етилган турли мевалардан баҳраманд бўлишим мумкин”, дейди профессор. Гибрид дарахтга олхўри, шафтоли, ўрик ва гилосларнинг турли навлари жойлаштирилган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Светлана СТАХАНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ҳуқуқ
yuridik gazeta
Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahoo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-3593. 43 177 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O' DEHQONOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O' DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617
9 772010 761004